

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 11-ҳадис

11 - وَعَنْ أَبِي إِسْحَاقَ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ مَالِكِ بْنِ أَهْيَبِ بْنِ عَبْدِ مَنَافِ بْنِ زُهْرَةَ بْنِ كِلَابِ بْنِ مُرَّةَ بْنِ كَعْبِ بْنِ لُؤَيِّ بْنِ غَالِبِ الْفُرَيْسِيِّ الزُّهْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - أَحَدِ الْعَشْرَةِ الْمَشْهُودِ لَهُمْ بِالْجَنَّةِ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ قَالَ: «جَاءَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعُودُنِي عَامَ حَجَّةِ الْوَدَاعِ مِنْ وَجَعِ اشْتَدَّ بِي فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي قَدْ بَلَغَ بِي مِنَ الْوَجَعِ مَا تَرَى، وَأَنَا ذُو مَالٍ وَلَا يَرِثُنِي إِلَّا ابْنَةٌ لِي، أَفَأَتَصَدَّقُ بِثُلثِي مَالِي؟ قَالَ: «لَا»، قُلْتُ: فَالشَّطْرُ؟ قَالَ: «لَا»، قُلْتُ: فَالثُّلُثُ؟ قَالَ: «الثُّلُثُ وَالثُّلُثُ كَثِيرٌ - أَوْ كَبِيرٌ - إِنَّكَ أَنْ تَذَرَ وَرَثَتَكَ أَغْنِيَاءَ خَيْرٌ مِنْ أَنْ تَذَرَهُمْ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسَ، وَإِنَّكَ لَنْ تَنْفِقَ نَفَقَةً تَبْتَغِي بِهَا وَجْهَ اللَّهِ إِلَّا أُجِرْتَ بِهَا حَتَّى مَا تَجْعَلُ فِي فِي امْرَأَتِكَ» قَالَ: فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أُحَلِّفُ بَعْدَ أَصْحَابِي؟ قَالَ: إِنَّكَ لَنْ تُخَلِّفَ فَتَعْمَلَ عَمَلًا تَبْتَغِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ إِلَّا أزدَدَتْ بِهِ دَرَجَةً وَرَفَعَةً، وَلَعَلَّكَ أَنْ تُخَلِّفَ حَتَّى يَنْتَفِعَ بِكَ أَقْوَامٌ وَيُضَرَّ بِكَ آخَرُونَ. اللَّهُمَّ أَمْضِ لِأَصْحَابِي هَجْرَتَهُمْ، وَلَا تَرُدَّهُمْ عَلَى أَعْقَابِهِمْ، لَكِنَّ الْبَائِسُ سَعْدُ بْنُ حَوْلَةَ «يَرِثُنِي لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ» أَنْ مَاتَ بِمَكَّةَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1295، م 1628].

11. Абу Исҳоқ Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бу киши жаннатга кириши башорат қилинган Ашараи мубашшаранинг биридирлар.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажи йили, касалим кучайганда, зиёрат қилгани ҳузуримга келдилар. Шунда мен: “Эй Аллоҳнинг расули, кўриб турганингиздек, дардим роса авжига минди. Ўзим бадавлат кишиман. Битта қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Молимнинг учдан икки қисмини садақа қилаверайми?” десам, у зот: “Йўқ”, дедилар. “Эй Аллоҳнинг расули, ярминичи?” десам, у зот яна: “Йўқ”, дедилар. “Эй Аллоҳнинг

расули, учдан бириничи?» десам, у зот: **“Учдан бири! Учдан бири ҳам кўпдир (ёки каттадир). Сен ўз меросхўрларингни бадавлат қолдириб кетишинг, одамлардан тиланадиган камбағал қилиб қолдиришингдан яхшидир. Аллоҳнинг розилигини истаб қилган нафақанг борки, унга албатта ажр оласан, ҳатто аёлингнинг оғзига солиб қўйган нарсанг учун ҳам»,** дедилар. Шунда мен: «Эй Аллоҳнинг Расули! Дўстларимдан қолиб кетаманми?» дедим. У зот: **«Сен қолиб, Аллоҳнинг розилигини истаб амал қилсанг, у туфайли даражанг ва мартабанг албатта ортади. Шояд, ортда қолсанг-да, кейин сендан бир канча одамлар манфаат олса, бошқалар (душманлар) эса сен сабабли зарар тортса. Аллоҳим, асҳобларимнинг ҳижратини давомли қил ва уларни ортларига қайтариб юборма! Лекин бечора Саъд ибн Хавла...»** дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Маккада вафот этгани учун ачинаётган эдилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Маккадан Мадинага ҳижрат қилган саҳобалар Маккада вафот қилган одамнинг ҳижрати нуқсонли бўлиб қолади деб, ҳижрат юртида вафот топишни орзу қилишар эди. Саъд ибн Хавла розияллоҳу анҳу Маккага қайтиб келганида вафот этган эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ачинган эдилар.

Бу ҳадисда бошлиқ имом худди оддий одамлар каби беморни зиёрат қилиши маҳбуб эканини кўрсатади. Соғайиш учун ёки солиҳларнинг дуосига мушарраф бўлиш учун ёки васият учун фатво олиш учун касаллигини зикр қилишда монъелик йўқ. Аммо бесабрлик маъносида бўлса касалини зикр қилиши дуруст эмас, чунки касалидан шикоят қилгани сабаб улкан ажр ва савобдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Бу ҳадисдан мол-мулк тўплаш мубоҳлиги ҳам келиб чиқади. Чунки ҳадисда «Ўзим бадавлат кишиман», деб айтилмоқда.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Саъд ибн Абу Ваққоснинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ҳурматлари юқори эканлиги.

Бу ҳадиса Маккада фатҳ кунлари бўлган. Ана шундоқ серташвиш кунда ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақт топиб, Саъд ибн Абу Ваққосни

кўргани келишлари катта ҳурмат-эътиборга далолат қилади. Ҳадиснинг давомидаги муомалаларидан ҳам у Зотнинг Саъдни жуда ҳурмат қилишлари кўриниб турибди.

2. Бемор бўлиб ётган одам молини васият қилиш ҳақида қайғурмоғи, билмаса, биладиган кишидан сўрамоғи лозимлиги. Саъд ибн Абу Ваққос айнан шундоқ қилдилар.

3. Вафот этаётган киши молининг ҳаммаси, учдан иккиси ёки ярмини хайр ишига васият қилиши жоиз эмаслиги.

4. Вафот этаётган киши молининг учдан бирини хайр-эҳсон ишига васият қилса, жоизлиги.

Агар ундан озроқ бўлса, яна ҳам яхшилиги. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Саъд ибн Абу Ваққосга учдан бирга рухсат бериб туриб, кейин учдан бири кўп, деб қўйишлари шунини кўрсатади.

Васият этаётган кишининг васияти учдан бири кўпга ўтмаслигини аввал ўрганганмиз. Ўша ҳукми жорий қилинишига ушбу ҳадиси шариф далил эканини ҳам айтиб ўтганмиз.

Бундоқ қилишда меросхўрларнинг ҳақини ҳимоя қилиш ҳамда мол-мулк эгасига вафотидан олдин хайр-эҳсон қилишга ҳам маълум даражада имкон бериш борлигини ҳам гапирганмиз.

5. Мусулмон киши фарзандларига молиявий таъминот қолдириб кетишга ҳаракат қилмоғи яхши эканлиги.

6. Мўмин-мусулмон киши ҳалол йўлда қилган ҳар бир нафақаси учун ажру савоб олиши аниқ эканлиги.

7. Аҳли аёлга қилинган сарф-харажатдан ҳам ажру савоб олишлиги. Эр аёлининг оғзига тутган биргина луқма учун ҳам савоб олади. Бу ҳол эса, аҳли аёлнинг ризқи рўзини яхшилаш учун ҳаракат қилмоқни тақозо қилади. Демак, баъзи кишиларнинг аҳли аёлдан қисиб, хўжа кўрсинга нафақа қилишлари тўғри эмас.

8. Саъд ибн Абу Ваққоснинг: «Эй Аллоҳнинг Расули, энди ҳижратимдан ажраб қоламанми?!» деганлари, беморлигим туфайли Мадинага қайтиб кета олмай Маккада қолиб кетсам, қилган ҳижратимдан ажраб қолган бўламанми, деганларидир.

9. Беморни кўргани келган одам унинг кўнглини кўтарадиган гап қилмоғи лозимлиги.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Абу Ваққосга айнан шундоқ муомала қиладилар.

10. Вақтида ҳижрат қилган одам беморлиги ёки бошқа ўз иродасидан ташқари сабаб туфайли ҳижрат жойига қайтиб бора олмай қолса, ҳижрати савоби камаймаслиги.

11. Саъд ибн Абу Ваққосга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам башоратлар берганлари:

а) Ажраб қолиб ҳам қилган ҳар бир солиҳ амаллари туфайли мартабалари ва даражалари зиёда бўлавериши. Шунинг учун ҳам у киши жаннатнинг башорати берилган ўн кишининг бири бўлган бўлсалар ажаб эмас.

б) У кишининг қолишларидан баъзи мўминлар манфаат топиши ва кофирлар зарар кўриши, ҳақиқатда шундоқ бўлган.

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидан бири эди. Саъд ибн Абу Ваққос Ироқ фатҳи ва ундан бошқа фатҳларда иштирок этдилар. Бу зот кейин ҳам мўминларга фойда, кофирларга зарар етказадиган ишларни кўп қилганлар. Мазкур касалликдан тузалиб кетиб, ўн бешинчи ҳижрий санагача жиҳод ва улкан ишларни кўп қилиш шарафига муяссар бўлганлар.

Манба: hadis.islom.uz

